Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 2 декабрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 92 (7088)

Da'vat

ҚУШНИНГ ТИНЧ — СЕН ТИНЧ

Мақол

Ibrat

Жиззахлик муаллим Қўчқор Сиддиқов Гёте номидаги олмон тилини тарғиб қилиш маркази уюштирган кўрик-танлов голиби бўлди. Яқинда Франкфурт сафаридан қайтиб келган Қўчқор Сиддиқов ҳозир вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институтида олмон тилини чуқур ўргатиш юзасидан ўқитувчиларга сабоқ бермоқда.

O'zbekiston – Qirg'iziston

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

30 ноябрь куни Қирғизистон Президенти Асқар Акаев амалий ташриф билан Узбекистонда бўлди.

Дўрмон қароргоҳида Узбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамда Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг яккама-якка суҳбати бўлди. Мулоқот чоғида минтақавий хавфсизлик, икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, узаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, коммуникация, гидроэнергетика, Қирғизистонга Узбекистон газини етказиб бериш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. УзА мухбирининг хабарига кўра, қароргоҳнинг мажлислар залида икки давлат расмий делегациялари вакилларининг учрашуви бўлди. Унда Узбекистон билан Қирғизистон ўртасида ҳарбий соҳада ҳамкорлик тўғрисида, икки давлат ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартномаларнинг ратификация ёрлиқлари алмашилганлиги тўғрисидаги протоколлар имзоланди.

Узбекистон Президенти Ислом Каримов ва Қирғизистон Президенти Асқар Акаев икки давлат ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартноманинг ратификация ёрлиқлари алмашилгани тўғрисидаги протоколга имзо чекдилар.

Шундан сўнг, Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.

— Бугунги суҳбатимиз чоғида муҳокама этилган асосий масалалардан бири Қирғизистонга Узбекистон газини мунтазам етказиб бериш, унинг баҳоси ва ҳисоб-китоби билан боғлиқ бўлди, — деди Ислом Каримов. — Ҳозирги вақтда биз Қирғизистонга йилига қарийб бир миллиард куб метр газ етказиб берамиз. Ўйлайманки, икки давлатнинг мутасадди ташкилотлари бу масалани атрофлича ўрганиб, икки томон учун ҳам мақбул йўлни топади.

Ислом Каримов Узбекистон билан Қирғизистон ўртасида транспорт коммуникацияси соҳасидаги ҳамкорликка ҳам алоҳида тухталди. Андижон — Уш — Ирқиштом — Қашқар йўналиши икки давлат учун ҳам муҳим стратегик аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Шунингдек, матбуот анжуманида Қирғизистоннинг сув заҳираларидан фойдаланиш, хусусан, гидроэнергетика соҳасини ривожлантириш борасида ушбу мамлакатга ёрдам кўрсатиш ҳақида тухталиб утилди.

Қирғизистон Президенти Асқар Акаев Ислом Каримов билдирган фикрлар, таклифларни юқори баҳолар экан, Қирғизистонга Узбекистон газини етказиб беришдаги таклифларига Узбекистон раҳбари алоҳида эътибор билан ёндошганидан мамнунлигини изҳор қилди. Тожикистонда сўнгги пайтларда юз берган воқеалар ҳам матбуот анжумани иштирокчилари диққат-эътиборидан четда қолмади. Ислом Каримов бу борада ҳар хил асоссиз гаплар тарқатилаётганини ачиниш билан таъкидлади.

Ислом Каримов Тожикистоннинг Ленинобод вилоятида руй берган воқеаларда Узбекистоннинг қўли бор, деган бўҳтон гапларнинг мутлақо асоссиз эканини далиллар билан исботлаб берди.

Қирғизистон Президенти Асқар Акаев Ислом Каримовнинг Тожикистон масаласи бўйича берган баёнотини тула қуллаб-қувватлади.

Ислом Каримов журналистларга Асқар Акаевнинг Қирғизистонга ташриф буюриш, Қирғизистонда Узбекистон маданияти кунларини утказиш тўғрисидаги таклифларини қабул қилганини маълум қилди.

Шу билан Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг Узбекистонга амалий ташрифи ниҳоясига етди.

JUMLADA JAHON

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Оренбург вилояти маъмуриятининг раҳбари В. Елагинни қабул қилди.**
- **«Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни фаоллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан Ғафуржон Каримович Муҳамедов Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазири этиб тайинланди.**
- **Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиловнни Эрон ва Покистон давлатларига қилган сафари давомида минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, икки томонлама муносабатлар истиқболлари муҳокама этилди.**
- **Олий даражадаги коррупцияда айбланаётган Туркия Бош вазири Месут Йилмаз Президент Сулаймон Демирэл номига ариза ёзиб, ўзини истеъфога чиқаришни сўраган.**
- Латвия парламенти тасдиқлаган Вилис Криштопанс раҳбарлигидаги янги ҳукумат таркиби асосан камчилик партияси вакилларидан иборат бўлди.
- Хитой Миллий ташқи савдо ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг хабарига кўра, бу мамлакатда сўнгги 20 йил ичида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун 560 миллиарддан ошиқ хориж сармояси киритилган.

ТОЖИКИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАР ҲАҚИДА БАЁНОТ

30 ноябрь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Дўрмондаги қароргоҳида Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг мамлакатимизга амалий ташрифи якунларига бағишлаб ўтказилган матбуот конференциясида Тожикистондаги воқеалар ҳақида баёнот берди.

Қуйида шу баёнот матни эълон қилинмоқда.

Етти йилдирки, Тожикистон фуқаролар урушининг оқибатларини бошдан кечирмоқда. Агар турли қуролли тўқнашувлар, террористик хуружлар, одамларни гаровга олишлар ва умуман минтақавий низоларга қараб хулоса чиқариладиган бўлса, Тожикистонда фуқаролар уруши **тугамаган**, деган тасаввур туғилади.

Ҳокимият учун минтақавий ва уруғ-аймоқчилик кураши бормоқда, бу кураш ниҳоятда шафқатсиз суратда бўлиб, қуролли тўқнашувларга айланиб кетмоқда.

Гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ва уларни **олиб ўтиш ниҳоятда улкан миқёс касб этди.** Ўзбекистон ва Қирғизистон чегарасида тонналаб гиёҳванд моддалар ушлаб қолинмоқда.

Айни вақтда наркобизнесга **ҳокимият ва ҳарбий-маъмурий тузилмалар ҳам аралашиб кетган.** Шундай деб айтишга бизда барча асослар бор.

Биз, ўзбекистонликлар, Тожикистонда тинчлик жараёнини ўрнатиш масаласи **Москвада имзоланган битим асосидагина ҳал этилиши керак,** деган қатъий фикрдамиз.

Тожикистоннинг жафокаш халқи учун тинчликка эришишнинг ягона йўли — **бу фақатгина тинч музокаралар йўлидир.** Ҳақиқатда эса биз тинчлик музокараларининг натижаси сифатида ҳозирча **Раҳмонов бошчилигидаги Кўлоб гуруҳи ва жаноб Нурий бошчилигидаги Бирлашган тожик мухолифати ўртасида амал портфелларини бўлиб олишни** кўрмоқдамиз.

Бироқ Тожикистонда бошқа минтақалар ва бошқа сиёсий кучлар ҳам борки, улар ҳам ҳокимиятга даъвогарлик қилмоқда. Кўлоб гуруҳининг ичида ҳам ҳокимиятни ва таъсир доираларини бўлиб олиш учун қаттиқ жанжал ва кураш кетмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бугун рўй бераётган кескинликнинг, қуролли тўқнашувларга айланиб кетаётган курашнинг сабаблари ана шунда.

Мана шундай вазиятда Раҳмонов атрофидаги айрим кучлар воқеалар ривожини миллатлараро ва давлатлараро тўқнашувга айлантириб юборишни жуда-жуда истаяпти.

Ташқаридан душман топиш ва шу асосда ҳокимият атрофида пашшахўрда бўлиб юрганларнинг барчасини бирлаштириш - унчалик қийин иш эмас.

Бу воқеаларда Ўзбекистоннинг қўлини излаётган кимсаларнинг барчасини ҳаракатга келтираётган ғаразли мақсад ана шундан иборат. Бу ишда уларга Россиянинг баъзи бир махсус хизмат идоралари кўмак бермоқда. Бизда буни тасдиқловчи зарур ҳужжатлар бор.

Энди бу ишларда Ўзбекистоннинг қўли бор, деган даъволар ҳақида икки оғиз сўз.

Тожикистонда 1 миллион 300 мингдан зиёд ўзбек яшайди. Бу Тожикистон аҳолисининг қарийб 25 фоизини ташкил этади. Агар ўзбек-тожик аралаш оилаларни ҳам ҳисобга олсак, бу рақам янада ортади.

Раҳмонов жанобларининг собиқ бош сафдоши - полковник Худойбердиевнинг ўзи яқинда Россия матбуоти вакилларига интервьюсида баёнот берганидек, унинг отаси - тожик, онаси эса - ўзбек. Бундай мисоллар юз минглаб топилади.

Бундай аҳволда кимнинг ўзбек, кимнинг тожик эканини қандай ажратиш мумкин?

Бу масалада бизнинг қатъий позициямиз шундай:

Тожикистонда истиқомат қиладиган ҳар бир инсон - қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар - у аввало Тожикистон фуқаросидир. У шу мамлакатнинг Конституцияси ва барча қонунлари талабларини бажаришга мажбур.

Яқинда Ленинобод вилоятида юз берган қонли воқеалар ҳақида Тожикистоннинг ҳукумат доиралари ва Россия телевидениеси ҳамда ахборот воситалари кўтараётган катта шов-шув ва миш-мишлар ҳақида гапирсак, мен қуйидагиларни баён этмоқчиман:

Биринчи. Қани, айтингчи, дунёда ўзининг шундоқ ёнгинасида (Тошкентдан икки юз километр нарида) танглик ва қуролли тўқнашув келтириб чиқарадиган биронта давлат, биронта мамлакат борми? Ўйлайманки, йўқ. Ахир, бу можаро тезда Ўзбекистон ҳудудига ҳам ўтиши мумкин-ку!

Иккинчи. Худойбердиев жангарилари Ўзбекистон чегарасидан ўтгани ҳақида гапирилмоқда. Ва бу ҳақда минглаб уйдирмалар тарқатилмоқда, матбуот конференциялари ўтказилмоқда, Россия телевидениеси кўрсатувлари намойиш қилинмоқда.

Шу муносабат билан мен мутлақо қатъий тарзда таъкидламоқчиман:

Ўзбекистон томони Ленинобод вилоятидаги қонли воқеаларга асло иштирок этгани йўқ ва иштирок этмайди ҳам.

1994 йили Бирлашган тожик мухолифатининг етакчиларидан бири- жаноб Тўражонзода Ўзбекистонда расмий даражада қабул қилинган эди. Бу — тожикларо музокараларнинг бошида айнан Ўзбекистон турганини тасдиқлайди. Бу ҳақиқатни унутмаслик керак. Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги давлат чегараси минглаб километр масофага чўзилган. Лекин бизнинг давлатларимиз ўртасида том маънодаги чегара йўқ - мен бу ерда узлуксиз чегарани назарда тутмоқдаман.

Бу - ҳаммага маълум. Ҳар қандай миллатга мансуб истаган одам ёки одамлар, гуруҳ бирон-бир йўналишда чегарани кесиб ўтавериши мумкин.

Ҳаракатни чеклаш масалаларида бу каби чегара, масалан, Чеченистон билан Доғистон ўртасида ҳам мавжуд.

Темирйўллар ва асосий автомобиль йўлларидагина постлар қўйилган. Назорат қилинмайдиган йўлларнинг эса сон-саноғи йўқ.

Шундай аҳволда ҳам, соғлом фикрловчи ҳар бир кимсага аён бўлиши керакки, минг нафарга яқин қуролланган гуруҳ (Тожикистон расмий доираларининг гапига қараганда, Худойбердиев тарафдорларининг умумий сони айнан шунча) чегарадан ўта олмас эди. Бу — ақлга сиғмайдиган гап.

Ва ниҳоят:

Биз Худойбердиевни қўллаб-қувватлаганимизда жанубдан шимолга — Хўжандга олиб чиқувчи бутун бир ҳудудимиздан етти юз нафардан иборат қуролли ҳарбий қисм, ҳарбий составни ўтказиб юбормаган бўлардик.

Буни ҳамма билиши керак.

Тожикистон томони Турсунзода шаҳрида бир неча кун урониб битта состав тузишни эплолмади — шу ишни ҳам ўз зиммамизга олишга мажбур бўлдик.

Икки томоннинг ҳарбий тузилмалари, ҳукумат ва мамлакат раҳбарлари даражасида вазиятни атрофлича муҳокама қилиш ўрнига (воқеалар бошланган кун 4 ноябрдаёқ мен бу ҳақда шахсан Раҳмоновга қўнғироқ қилиб айтганман) Тожикистон парламенти сессиясида асосланмаган, оқибати нима бўлишини мутлақо ўйламай, айтиш мумкинки, қуруқ жазавадан иборат баёнот эълон қилинди.

Тарихи қадим ва бой, ақл-заковат ва маънавий салоҳияти юксак Тожикистондек мамлакат раҳбарияти орасида узоқни кўра олмайдиган, фикри тор, калтабин кимсалар борлигига бугун фақат таассуф қилиш мумкин.

Биз мазкур вазиятдан чиқишнинг йўлларини қуйидагилардан иборат деб биламиз:

Биринчидан. Мен Тожикистон раҳбарияти оқилона фикрга келишига ишонаман.

Иккинчидан, иғволарга учмаслик керак. Зеро, бу можароларда олти-етти йилдан бери боши мусибат ва йўқчиликдан чиқмаётган тожик халқининг мутлақо айби йўқ.

Учинчидан. Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида чегара қуриш ва уни мустаҳкамлаш зарур. Агар зарур бўлса, чегарадан ўтишнинг виза режимини ўрнатиш даркор.

Тўртинчидан. Тарихий тақдири ва маънавий анъаналари бизга жуда яқин бўлган жафокаш Тожикистон халқига ҳеч ким бизчалик, айниқса, инсонпарварлик ёрдами соҳасида кўмак бермаган. Ўзбекистон Президенти сифатида ишонтириб айтаманки, биз тожик халқига бундан кейин ҳам ёрдам бераверамиз.

Мен олдин ҳам айтганман, яна такрорлайман: ўзбек ва тожик халқи икки тилда гапирувчи бир халқдир.

Тожикистонда тинчлик ўрнатиш жараёни, мураккаб вазиятдан чиқиш йўллари ҳақида шахсан менинг фикримни билмоқчи бўлсалар, мен шундай деган бўлардим: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тизимлар раҳнамолигида Тожикистонда эркин демократик сайловлар қанча тез ўтказилса, шунча яхши.

Воқеаларнинг нохуш тус олишига йўл қўймаслик, айтиш мумкинки, ўзаро низонинг ўта кучайиб кетмаслиги учун Тожикистон халқи ўз хоҳиш-иродасини эркин изҳор этиб, **қонуний, умумэътироф этган ҳукуматини** сайлаб олиши керак.

Такрорлайман, бу иш қанчалик тез амалга ошса, Тожикистон халқи учун, мазкур минтақада яшовчи бошқа халқлар учун шунча яхши бўлади.

Ўқитувчи ёнидафтарига

ЭРОН ШОҲИНИНГ СОВҒАСИ

Олимлар Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин номли кутубхонада сақланаётган Алишер Навоийнинг шеърий баёзи улуғ ўзбек шоири ҳаётлик чоғида унинг ўз шахсий кутубхонасига тегишли бўлганлигини аниқлашди. 1465 йилда Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган, варақлари ипак қоғоздан ва сўзлари зарҳал ҳарфлардан иборат мазкур нодир китоб ўтган асрнинг биринчи ярмида Эрон шоҳи томонидан рус подшоҳига ҳадя қилинган экан.

ҒИШТДАГИ «ҲИКМАТЛАР»

Юқорида номи зикр этилган кутубхонанинг қўлёзмалар бўлимига бир мунча вақт муқаддам Ўрта Осиёдан қизиқ бир совға боради. Бу кичиккина хом ғишт эди. Олимлар ғишт оралиғида аллақандай қоғозлар борлигини аниқлашди ва ярим йил мобайнида қоғозларни ғиштдан ажратиб олиш билан шуғулландилар. Ғиштдан ажратиб олинган қўлёзма бундан икки асрдан ошиқроқ вақт илгари кўчирилган Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар»и бўлиб чиқди.

ПОМИДОРЛАР ТУРЛИ ШАКЛДА

Англиялик олим Ч. Робертс узоқ изланишлардан сўнг, куб шаклидаги помидорни яратишга эришди. Олимнинг фикрича, бундай шаклдаги помидорлар қутиларга жойлаш учун ғоят қулайдир. Бу ўсимликнинг тиниб-тинчимас ишқибози айни кунда барча геометрик шаклларда помидорлар яратиш учун изланмоқда.

БИРИНЧИ ГЛОБУС ҚАЕРДА?

Маълумки, география атласига эрамизнинг 150 йилида грек олими Птолемей асос солган. Хўш, биринчи глобуснинг муаллифи ким? Дастлабки география глобуси 1492 йилда географ М. Бехейм томонидан яратилган бўлиб, ер шарининг бу биринчи митти шакли ҳозирда Нюренберг шаҳридаги музейлардан бирида сақланмоқда.

Bu sizning kitobingiz: o'qing, o'rganing, asrang

ЯНГИ ТАРИХИМИЗ ТАЛҚИНИ

Мамлакатимиз мактабларининг 11-синф ўқувчилари учун «Ўзбекистон тарихи» фанидан янги дарслик нашрдан чиқарилди. Китоб Нарзулла Жўраев, Турсунбой Файзуллаев ва Қамариддин Усмоновлар ҳаммуаллифлигида ёзилган. Дарсликнинг методик жиҳатлари олий тоифали ўқитувчи Мавжуда Воҳидова томонидан тайёрланган. Тақризчилар тарих фанлари номзоди Н. Норқулов, Тошкент шаҳар ўқитувчилар ва педагогик ходимлар малакасини ошириш институти тарих кабинети мудири, олий тоифали методист М.Муйдинова, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 102-мактабнинг олий тоифали тарих ўқитувчиси Н.Исроилова ҳамда Тошкент вилояти Бўка туманидаги 8-ўрта мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси У.Жўраевлардир.

Дарслик мамлакатимиз тарихининг миллий истиқлол даврини ўзида акс эттиради, ёхуд дарслик муқаддимасида қайд этилганидек, «...китоб ана шу Миллий Уйғониш, Миллий Янгиланиш ва Миллий Ўзликни Англаш тушунчаларини ўзида мужассам этган Истиқлол даври тарихига бағишланган».

Ўқувчилар мазкур дарслик орқали Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топишидан бошлаб, юртимизда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар, мамлакатимизнинг маънавий-маърифий ва маданий тараққиёти, жаҳон ҳамжамияти билан олиб борилаётган ҳамкорликлар ва барча жабҳаларда эришилаётган ютуқларимиз билан кенг миқёсда танишадилар.

(Давоми 2-бетда)

Суратда кўриб турганингиз Нодира Абдураҳмонова Пахтачи туманидаги 21-мактабда физика фанидан дарс беради. У ҳам кўплар қатори эзгу бир мақсад йўлида меҳнат қилади. Яъниким дарслари мазмунли ўтса, шогирдлари пухта билим олишса.

Нурмамат Алмуродов олган сурат.

Tajriba-sinov maydonchalarida

ДАСТУР ВА ДАРСЛИКЛАР МУКАММАЛЛАШТИРИЛАДИ

Айни кундаги ислоҳотлар таълим мазмунини тубдан ўзгартиришни, чуқурлаштиришни талаб этаётир. Шу боис таълим мазмунини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар — ўқув режа, дастур, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилмоқда. Яратилганлари босқичма-босқич тажриба-синовдан ўтказилаяпти. Меҳнат таълими фани бўйича тажриба-синов ишлари эса Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 56- умумий ўрта таълим мактабида олиб бориляпти... Шу билан биргаликда ҳар бир вилоят, ҳар бир шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари ҳам ўзларининг ҳудудларида бирор мактабни йўналишлари бўйича тажриба-синов майдончалари этиб белгилашган. Яқинда ана шундай тажриба-синов майдончаларидан биринг тақдимот маросими (презентация) Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 241-мактабда бўлиб ўтди. Маросимда Т. Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ олимлари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти, Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими вакиллари иштирок этишди.

Анъанавий лентани меҳнат таълими бўйича синов ўқув дастури муаллифлари, педагогика фанлари номзодлари, доцентлар Ўткир

(Давоми 3-бетда)



ЯНГИ ТАРИХИМИЗ ТАЛҚИНИ

(Боши 1-бетда)

Шунингдек, китобнинг болаларда жонли тасаввур уйғотувчи, юртимизнинг яқин ўтган кунларидан ҳикоя қилувчи рангли суратлар билан безатилганлиги ва унда «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан мукофотланган ҳамюртларимиз ҳақида суратли маълумотлар берилганлиги ҳам алоҳида эътиборга моликдир.

Ушбу дарслик ўқувчиларга Ўзбекистон тарихидан сабоқ берар экан, ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат, тарихга ҳурмат ва Истиқлолга эътиқод ҳисларини тарбиялаши шубҳасиздир. Зеро, буюк ватанимиз тарихини чуқур ўрганишга киришганимизнинг ўзиёқ Истиқлол берган эзгу имконият ва бахтдир.

Китоб муқаддимасида ўтмишимизни қайта кўриб чиқиб, уни миллий қадрият даражасига кўтариш ва унга бутунлай янгича назар билан ёндошишнинг қуйидаги учта асоси келтириб ўтилади: «Биринчидан, бугунги Ўзбекистон жаҳон харитасида пайдо бўлган тасодифий мамлакат эмаслигини, унинг илдизлари ниҳоятда чуқур ва қадимий эканлигини дунёга кўрсатиш. Иккинчидан, собиқ шўро сиёсати ва коммунистик мафкура тазйиқи билан сохталаштирилган тарихни ўз ўрнига қўйиш, тарих ҳақиқатини, ҳаёт ҳақиқатини илмий ҳақиқат асосида қайта тиклаш. Учинчидан, шу асосда халқимиз, айниқса, ёш, навқирон авлодимиз қалбида миллий ғурур, миллий ифтихор, ўз аждодлари билан фахрланиш туйғуларини кучайтириш. Буюк ўтмишга муносиб буюк миллат бўлиш. Эртанги кунга катта ишонч ва истиқлолга эътиқод билан яшашни турмуш тарзига айлантириш.» Ишонч билан айтиш мумкинки, мана шундай эзгу мақсадларни амалга оширишда янгича назар билан ҳаққоний ёзилган тарих китобларининг, жумладан, биз сизга таништирган «Ўзбекистон тарихи» дарслигининг ҳам ҳиссаси беқиёсдир.

Дарслик «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида тез, сифатли ва айтиш мумкинки, арзон нархда (160 сўм) босмадан чиқарилди. Адади 120000 нусха. Китоб ўқувчиларимизнинг қўлдан қўймай тинимсиз ўрганадиган дарслиги, доимий ҳамроҳи бўлиб қолишига ишонамиз.

И. БЎРИБОЕВ

ДТМ tahlili

КЎЗГУДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Самарқанд вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича самарадорлик кўрсаткичлари 1998 йил тест якунларига кўра бирмунча юқори.

Вилоят география ва давлат ҳуқуқи предметларидан ташқари барча фанлардан Республикада олдинги ўринларни эгаллаган. Ўзбек тили ва адабиётидан биринчи, тарих, математика, немис тилидан иккинчи, биология, инглиз ва француз тилидан учинчи, физикадан тўртинчи ва кимёдан бешинчи ўрин. Вилоят абитуриентлари ўзбек тили ва адабиётидан республика самарадорлик кўрсаткичидан 5%, математикадан 6,5 %, биологиядан 6% юқори натижага эришганлар.

Қўшработ тумани математика, физика, кимё, тарихдан; Каттақўрғон тумани математика, биология, тарих, география, немис тилидан; Тойлоқ тумани биология, тарих, география, немис тилидан вилоятнинг ўртача кўрсаткичларидан юқори натижаларга эришган.

Лекин вилоят бўйича Пахтачи, Гўзалкент, Пойариқ туманларида кўрсаткичлар нисбатан паст эканлиги кўзга ташланади. Пахтачи туманида физикадан 6%, инглиз тилидан 8% га яқин, географиядан 7%, француз тилидан 9 % га вилоятнинг ўртача кўрсаткичларидан паст бўлган.

Бундай ҳолатни Гўзалкент ва Пойариқ туманларида ҳам кузатиш мумкин.

Келтирилган 1998 йил тест синовлари кўрсаткичи синчковлик билан ўрганилса, ҳар бир туманга хос ютуқ ва камчилик аниқ бўлиб қолади.

Тест якунларининг вилоят халқ таълими бошқармаси, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари томонидан, ҳар бир мактаб жамоаси ва фан ўқитувчилари иштирокида атрофлича ва чуқур таҳлил этилиши педагогик жараённи мукаммаллаштиришга, ёшлар ўртасида касб танлаш ишини етарлича олиб боришга, ёшларни ўқишга кириши учун чуқур илмий билим беришга асос бўлади.

Самарқанд вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари

Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимлари

№	Туман, шаҳар номи	Ўзбек тили ва а.		Математика		Физика		Биология		Кимё		Тарих		География		Инглиз тили		Немис тили		Француз тили	
		Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %
1	Самарқанд тумани	543	42,82	174	42,67	72	35,92	143	54,23	141	43,24	254	50,32	2	22,22	161	47,84	104	30,42	23	34,18
2	Каттақўрғон тумани	596	43,43	246	43,93	109	33,87	162	55,66	160	42,64	205	60,68	19	46,20	155	41,04	65	30,51	43	29,97
3	Нарпай тумани	619	39,93	245	40,87	133	33,71	214	54,63	215	37,89	184	51,37	21	42,06	102	37,42	56	26,39	45	31,42
4	Ургут тумани	972	43,26	343	42,54	128	34,53	247	53,87	228	41,47	425	56,69	17	36,27	294	45,36	129	28,77	96	34,17
5	Булунғур тумани	698	44,50	231	43,28	101	37,32	224	55,41	201	42,79	292	54,84	20	42,08	125	42,07	68	32,35	116	43,99
6	Жомбой тумани	620	41,84	231	44,56	63	33,25	184	51,62	182	38,35	247	53,21	10	38,06	159	40,69	113	31,37	36	32,33
7	Иштихон тумани	656	42,75	248	44,78	103	32,71	195	57,58	191	43,03	224	55,42	20	37,78	155	43,96	33	29,04	115	36,28
8	Нуробод тумани	304	42,94	110	40,25	54	34,72	95	53,27	95	39,94	111	56,13	5	45,56	35	38,02	72	28,97	23	31,64
9	Паст-Даргом тумани	785	43,05	260	42,75	88	35,16	281	53,89	264	40,75	289	55,20	21	36,38	138	41,04	194	33,10	10	34,17
10	Челак тумани	472	41,77	171	45,68	88	32,48	144	55,90	136	42,79	168	53,08	14	33,13	63	46,91	125	29,16	18	30,56
11	Оқдарё тумани	458	44,15	171	39,36	65	31,97	146	55,50	142	39,77	172	57,27	19	37,28	48	45,54	52	34,19	88	38,01
12	Пахтачи тумани	718	40,11	279	37,38	148	29,43	232	55,39	234	40,99	250	49,78	16	37,15	82	38,45	141	28,57	13	25,43
13	Гўзалкент тумани	251	39,19	90	43,36	44	27,84	85	52,78	82	39,09	85	56,01	7	28,57	29	42,53	55	28,28	13	29,06
14	Пойариқ тумани	507	44,55	197	45,98	68	39,30	147	51,00	141	39,14	205	56,40	9	39,81	98	41,13	78	28,81	52	30,88
15	Тойлоқ тумани	605	45,67	169	48,03	68	36,03	203	57,64	200	43,82	245	58,65	13	49,36	197	41,74	76	37,13	25	32,44
16	Қўшработ тумани	559	41,63	294	50,32	160	39,65	111	49,20	115	36,04	187	54,32	17	45,59	124	42,90	37	29,88	58	33,91
17	Гулобод шаҳри	4	37,50	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	2	34,72	0	0,00	3	40,74	0	0,00	0	0,00
18	Самарқанд шаҳри	1253	46,81	541	53,58	117	36,35	220	57,45	247	44,02	522	57,48	5	51,67	645	55,28	96	36,20	65	40,98
19	Пайшанба шаҳри	4	58,33	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	3	64,81	0	0,00	2	75,00	0	0,00	0	0,00
20	Каттақўрғон шаҳри	148	45,50	67	49,34	20	35,83	33	58,92	35	43,97	50	61,44	0	0,00	46	41,73	39	35,83	3	31,48
21	Оқтош шаҳри	33	40,15	11	46,97	7	43,65	17	55,07	19	37,43	5	51,67	0	0,00	4	27,78	2	23,61	0	0,00
22	Жума шаҳри	5	40,00	2	25,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	4	50,00	0	0,00	3	24,07	0	0,00	0	0,00
23	Челак шаҳри	3	25,93	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	2	38,89	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
24	Пойариқ шаҳри	2	73,61	0	0,00	0	0,00	2	94,44	2	94,44	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00

Самарқанд вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари

Олий ўқув юртларининг сиртқи бўлимлари

№	Туман, шаҳар номи	Ўзбек тили ва ад.		Математика		Физика		Биология		Кимё		Тарих		География		Инглиз тили		Немис тили		Француз тили	
		Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %
1	Самарқанд тумани	102	42,29	75	42,96	26	34,40	23	41,79	16	36,46	6	80,09	0	0,00	29	37,84	15	21,48	7	24,60
2	Каттақўрғон тумани	118	48,96	64	55,60	26	40,71	29	56,13	22	41,79	26	74,25	2	58,33	49	48,58	6	19,44	4	26,39
3	Нарпай тумани	73	50,65	44	53,03	11	37,12	15	47,59	14	38,49	16	55,90	0	0,00	19	45,47	10	23,89	10	29,44
4	Ургут тумани	192	49,58	116	54,77	38	40,94	53	44,55	39	31,41	23	61,59	0	0,00	73	49,54	16	26,04	10	19,44
5	Булунғур тумани	106	45,18	67	47,22	29	34,00	26	40,71	23	31,04	22	46,21	0	0,00	14	37,50	10	33,06	16	26,22
6	Жомбой тумани	96	46,76	66	47,26	12	34,72	22	38,26	24	27,66	12	65,28	0	0,00	35	54,29	17	29,25	4	20,14
7	Иштихон тумани	145	45,52	93	53,73	28	41,47	33	47,81	21	28,57	20	55,42	1	38,89	42	47,22	8	23,96	31	30,29
8	Нуробод тумани	62	47,00	31	46,59	20	33,06	24	45,95	19	31,73	8	59,03	0	0,00	5	25,56	10	42,50	0	0,00
9	Паст-Даргом тумани	161	44,06	91	48,84	46	33,27	53	43,45	36	34,18	17	79,41	0	0,00	38	45,10	20	26,11	3	27,78
10	Челак тумани	77	46,14	49	44,78	22	33,84	17	43,30	16	31,60	12	52,55	0	0,00	19	38,74	13	21,79	3	40,74
11	Оқдарё тумани	103	45,12	62	47,58	13	32,05	34	44,36	28	29,37	8	64,24	2	27,78	14	43,45	12	28,24	27	28,19
12	Пахтачи тумани	105	43,94	50	42,44	18	35,80	22	48,74	27	32,61	39	56,62	2	76,39	18	30,09	31	21,86	1	19,44
13	Гўзалкент тумани	46	39,37	29	51,34	17	34,64	14	30,56	9	26,85	3	42,59	0	0,00	5	37,22	5	33,33	4	21,53
14	Пойариқ тумани	69	43,76	46	45,59	16	45,14	19	42,84	16	34,03	5	57,22	0	0,00	26	38,35	3	16,67	4	31,94
15	Тойлоқ тумани	79	52,60	47	55,32	14	37,10	26	47,12	21	36,64	6	82,41	1	69,44	29	55,65	4	37,50	3	40,74
16	Қўшработ тумани	109	44,78	71	51,37	26	48,08	22	41,92	25	34,44	18	54,48	2	48,61	41	40,79	5	43,89	6	32,41
17	Самарқанд шаҳри	292	48,35	229	52,90	72	37,50	47	39,89	30	33,80	18	64,20	0	0,00	133	50,88	23	28,50	13	30,98
18	Каттақўрғон шаҳри	47	52,48	34	55,15	19	36,11	5	38,33	0	0,00	8	78,82	0	0,00	9	43,83	13	22,22	0	0,00
19	Оқтош шаҳри	7	42,86	5	38,89	2	20,83	0	0,00	0	0,00	2	27,78	0	0,00	0	0,00	2	16,67	0	0,00
20	Ургут шаҳри	2	38,89	2	54,17	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00

Самарқанд вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари

Ўрта махсус ўқув юртлари

№	Туман, шаҳар номи	Ўзбек тили ва ад.		Математика		Физика		Биология		Кимё		Тарих	
		Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %
1	Самарқанд тумани	464	44,94	307	40,08	0	0,00	118	48,07	9	26,23	28	38,79
2	Каттақўрғон тумани	783	49,87	518	39,79	0	0,00	223	52,60	2	20,83	40	52,71
3	Нарпай тумани	720	49,28	375	34,67	0	0,00	287	55,34	11	35,35	46	53,99
4	Ургут тумани	518	46,80	309	44,03	0	0,00	122	42,46	13	31,20	73	53,39
5	Булунғур тумани	370	50,79	194	40,88	0	0,00	133	47,77	13	23,29	29	50,48
6	Жомбой тумани	498	48,18	338	41,03	0	0,00	133	49,58	12	26,16	15	44,81
7	Иштихон тумани	686	51,19	381	39,23	0	0,00	209	53,65	5	38,89	88	53,31
8	Нуробод тумани	360	50,67	194	37,54	0	0,00	133	53,55	4	35,42	29	59,67
9	Паст-Даргом тумани	575	50,76	296	41,84	0	0,00	215	54,94	13	26,50	51	51,42
10	Челак тумани	333	49,60	169	40,94	0	0,00	119	51,94	11	27,02	33	49,07
11	Оқдарё тумани	527	49,55	351	39,14	0	0,00	119	51,38	7	34,92	49	46,71
12	Пахтачи тумани	755	44,65	449	30,65	0	0,00	248	50,75	12	26,39	45	56,85
13	Гўзалкент тумани	223	51,54	128	43,29	0	0,00	76	52,49	8	35,07	11	39,90
14	Пойариқ тумани	499	48,98	242	41,76	0	0,00	199	51,59	4	43,06	54	45,73
15	Тойлоқ тумани	391	52,96	199	44,57	0	0,00	155	50,04	12	31,94	21	49,74
16	Қўшработ тумани	457	49,37	288	43,02	0	0,00	122	46,04	4	38,89	41	52,57
17	Самарқанд шаҳри	531	47,82	364	42,88	0	0,00	105	43,54	10	30,28	52	48,02
18	Каттақўрғон шаҳри	216	51,13	134	38,74	0	0,00	71	54,26	0	0,00	10	53,61
19	Оқтош шаҳри	57	41,57	33	31,99	0	0,00	18	49,23	0	0,00	5	36,67
20	Иштихон шаҳри	16	60,59	0	0,00	0	0,00	16	60,24	0	0,00	0	0,00
21	Лоиш шаҳри	6	66,20	0	0,00	0	0,00	6	69,91	0	0,00	0	0,00
22	Пойариқ шаҳри	4	54,17	0	0,00	0	0,00	4	53,47	0	0,00	0	0,00
23	Тойлоқ шаҳри	3	43,52	2	40,28	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00

Hay'at yig'ilishida

РЕЖАСИЗ, ҲИСОБСИЗ, ҲАМКОРЛИКСИЗ ИШЛАБ БЎЛМАЙДИ

Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилишида бугуннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланган таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, вазирлик фаолиятининг 1998 йилдаги асосий якунлари, ҳамда 1999 йил иш режаси, ташкилотларда бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Зеро, режасиз ишлаш қийин эканлигини ҳамма биларди. Халқаро ҳамкорликсиз ҳам ривожланиш мумкин эмаслигини бот-бот такрорламоқдамиз. Қолаверса, ҳисоб-китобни тўғри йўлга қўймасдан бу ишларни амалга ошириб бўлмайди.

Таҳлиллар натижаси ижобий ишларни ҳам, камчиликларни ҳам кўрсатиб берди. Ҳайъат йиғилишида ижобий ишларни давом эттириш, оммалаштириш, камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Ҳайъат йиғилишини Ўзбекистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов олиб борди.

Қаердадир ўқиган эдим, «Яхши китоб кўтариб олган одам ҳеч қачон ёлғиз эмас», деган жумлаларни. Яқинда А.Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат кутубхонаси, Республика Маданият ишлари вазирлиги, «Камолот» жамғармаси муассислигида мамлакатимиз миқёсида ўтказилган «Ёш кутубхоначи» кўрик-танлови жараёнида кўрганларим бир дунё. Биз китобни ардоқлаймиз. Ёлғизлигимизда энг содиқ ҳамроҳ деб биламиз. Ундан жуда кўп нарсаларни ўрганамиз. Бизга излаган китобимизни топишимизда зиё маскани деб аталмиш кутубхона ходимлари катта ёрдам берадилар. Ёш кутубхоначиларни саралаш босқичи А.Навоий номидаги кутубхонада ўтказилди ва 8 нафар кутубхоначи ғолиб топилди. А.Ҳидоятов номидаги театрда кўрикнинг якуний босқичи ўтказилди. Унда ёш

... АНА ШУНДАЙ ЯКУНЛАНДИ

кутубхоначилар 4 шарт бўйича беллашдилар.

Касб ҳақида сўз кетганда ҳамма ўз касбини кўкларга кўтаради. Кутубхоначи қизлар ҳам биринчи шартда ўз касблари ҳақида гапириб бердилар. Шартлар жуда қизиқарли эди. «Муаллифини топинг» деб номланган шартда иштирокчилар ўқилган парчани қайси асардан эканлигини, муаллифини топиб беришлари керак эди. Бунинг ҳам қизлар уддасидан чиқишди.

Бу шартлардан ташқари кутубхоначилар тўй маросимлари ҳақида танқидий саҳна кўринишлари кўрсатдилар, «Ким нимага қодирлиги»ни намойиш этдилар.

Умумий баллар бўйича Хоразм вилояти биринчи, Сурхондарё вилояти иккинчи, Фарғона вилояти ёш кутубхоначилари учинчи ўринни эгалладилар. Танлов ғолибаси Раъно Матназарова «Камолот» жамғармаси томонидан тақдим этилган телевизор соҳибаси бўлди. Дилрабо Шукурова магнитафон билан тақдирланди. Барча иштирокчилар муасссислар томонидан мукофотландилар.

Шарифа МУРОДЖОН қизи

Tadbir

АВЛОДЛАРГА ЭҲТИРОМ

Республика ўқувчилар техник ижодиёт Марказида улуғ боболаримиз Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний юбилейларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда тўгарак аъзолари алломаларнинг ҳаётлари ва ижодлари ҳақида маърузалар, шеърлар, тарихий саҳна кўринишларидан томоша қилдилар. Конференцияда Республика ўқувчилар техник ижодиёт Маркази маънавият ва ўқув тарбиявий ишлар бўйича директор муовини Х. Зокирова, кутубхона мудираси Г. Жалилова, ташкилий-оммавий ишлар бўйича директор муовини М. Набиева, маънавият ишлари ташкилотчиси К.Қодиршоева ва тўгарак раҳбарлари қатнашдилар.

Анжуманда «Техник тўқиш», «Инглиз тили», «Қизиқарли физика», «Кийимларни моделлаш», «Электрон ҳисоблаш машинаси» каби тўгараклар ўз концерт дастурлари билан қатнашдилар.

М. ИСЛОМОВА,
Республика ўқувчилари техник ижодиёт Маркази тўгарак раҳбари

XABARLARI ☎ MMM

TEATR BOLALAR XIZMATIDA

Shu kunlarda Xorazm viloyati qo'g'irchoq teatri jamoasi Muxsin Qodirov asari asosida sahnalashtirilgan «Susambil» va Toshkenboy Otajonov qalamiga mansub «Do'stlik bog'i» spektakllarini Xiva tumanining umum ta'lim maktablari va maktabgacha tarbiya muassasalarining bog'cha tarbiyalanuvchilariga namoyish etdilar. Teatr jamoasining yana bir guruhi hozirda Gulzoda Turdiniyozovaning «Tuxmat tosh yog'dirar» asari asosidagi spektakli bilan Samarqand viloyati kichkintoylarini sahna olami mo'jizalari bilan hushnud etmoqdalar.

Muxtasarxon KARIMOVA

QURUVCHILAR BOLALARGA

Uychi tumanidagi Xizirobod qishlog'ida bugungi kun talabidan kelib chiqib 1044 o'rinli yangi maktab binosi foydalanishga topshirildi. 125 o'rinli oshxona, sport zali, futbol maydoni, tennis korti, 41 ta sinf xonasi, 2 ta labaratoriya, kasb- hunar o'rgatish xonalarini o'z ichiga olgan yangi bino qurilishida 73 million so'mlikdan ziyod qurilish-montaj ishlari amalga oshirildi.

Yangi bilim maskanining foydalanishga topshirilishi mashg'ulotlarni bir smenada o'tkazish imkoniyatini yaratdi. Shuningdek, qurilishda 132-, 138-xo'jaliklararo mexanizatsiyalashgan ko'chma jamlanmalar, tuman avtomobil yo'llari boshqarmasi hamda «Nazar», «Botir», «Komfort» kabi firmalar bunyodkorlik ishlarini bajardilar. Yuqorida nomlari zikr etilgan korxona, firmalar maktabni jihozlash ishlarida ham himmat qiladilar, deb ishonamiz.

M.QODIROV

INSHOLARDA VATAN MADHI

Poytaxtimizdagi Kamoliddin Behzod nomidagi 152 - tayanch maktabda sinfdan tashqari ishlarga, ayniqsa til va adabiyot, matematika va fizika, jismoniy tarbiya to'garaklari, shuningdek, yangi alifboni o'rganishga katta e'tibor berilmoqda. Sinf va to'garak rahbarlari Manzura Akramova , Orzigul Sodiqovalar tomonidan yaqinda 5-7- sinf o'quvchilari o'rtasida ona tili olimpiadasi o'tkazildi. Natijalarga ko'ra B. Astanqulova, A.Zunnunov, M.Nig'matova, M.Irisbekova, B. Yusupova kabi 6-sinf o'quvchilari yozgan insholari yozuvi chiroyliligi va pishiq-puxta mazmunliligi bilan boshqalarga ibrat bo'ldi.

9- sinf o'quvchilari tomonidan Imom Buxoriy, Ahmad Farg'oniy, Navoiy, Ibn Sino va Beruniy kabi allomalarimiz hayoti va ijodi haqida, shuningdek Vatan mavzuida yozgan insho va referatlari hay'at a'zolari tomonidan yuksak baholandi.

Qidirboy TO'LABOYEV

«SHOVVOZLAR» G'OLIB BO'LDI

Talabalik oltin davr. Bugungi kun talabasi-chi? Uning hayotida qanday unutilmas daqiqalar bor? Xullas, talabaning tashvishi, taklifi, o'yi, uning orzu-umidi aks ettirilgan sahna ko'rinishlari, o'yinqaroq so'zu, musiqiy chiqishlari bilan o'tkazilayotgan Respublikamiz talaba yoshlarining «Quvnoqlar va zukkolar» musobaqasining yakuniy bosqichi bo'lib o'tdi. Unda Mirzo Ulugbek nomidagi Toshkent Davlat universitetining «Shavvozlar» guruhi, Termiz Davlat Universitetining «Tabassum» hamda Urganch Davlat universitetining «Bo'ydoqlar» guruhlari ishtirok etishdi.

Talabalarning jonli chiqishlari, ko'rik tanlov shartlarining mohirona bajarilishi ayniqsa, talabalarning barcha muammolarga ehtiyotkorona yondashuvi, hazil mutoyiba orqali oshkor etishlari bugungi talabalarning dunyoqarashining har tomonlama boyib borayotganligini ko'rsatib berdi. «Shavvozlar» guruhi o'zining sharqona chiqishlari bilan alohida ajralib turdi va birinchi o'rinni olishga muyassar bo'ldi.

Fotima JUMAYEVA

MMM ☎ XABARLARI

Хориж тўлқинларида

Президент Клинтон фаластинликларга ёрдамни кўпайтириш наятида. Ушбу хабар жаноб Клинтоннинг Фаластин раҳбари Ёсир Арофат билан бўлган учрашувидан кейин маълум бўлган.

* * *

Туркиянинг ҳарбий кучлари сиёсий раҳбариятини янги ҳукумат тузаётган пайтда ҳарбийларни бунга қўшмаслик ҳақида огоҳлантирилган. Туркиянинг қудратли генераллари баёнотига кўра, сиёсатчилар ҳарбийлар учун қайси партия афзал каби сўзларни ишлатмаслиги лозим.

* * *

Адвокат ва ҳакамларнинг мустақиллигини текшираётган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мулозимлари Малайзиянинг собиқ бош вазири Анвар Иброҳим «иш»и бўйича ўтаётган маҳкама жараёнида содир бўлган охирги ўзгаришлар борасида ўз хаботирларини билдиришган.

Лондон «ВВС» ўзбек хизмати

Болаларга қишки кийимлар ва телевизор

Қамаши туманидаги «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари Ўзбекистон халқ таълими вазирлигининг ёрдамидан жуда қувондилар, десак муболаға бўлмас. Қолаверса, улар давлат ҳимоясида эканликларини яна бир бор ҳис қилдилар.

120 нафар тарбияланувчининг ҳар бирига қишки кийим-кечак, куртка, бош кийими, қўлқоп ва оёқ кийими берилди. Шу билан бирга болажонлар ўзларининг бўш вақтларини янги телевизор қаршисида ўтказадиган бўлишди.

Мухбиримиз

БОЛАСИНИ ЎҚИТМАЙ ТЎЙ БЕРГАН БОЙЛАР

ЁХУД 80 ЙИЛ МУҚАДДАМ ЁЗИЛГАН МАҚОЛАНИНГ БУГУНГИ АҲАМИЯТИ

Газетамизнинг аввалги сонларида XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида яшаган жадидчилик намояндаларининг миллат тараққийси йўлидаги қуйинчакликлари, тўй бобидаги армонлари, дабдабали тўй-маъракаларга қарши чиқишларининг асосий сабабларига тўхталиб ўтилган эди. Бугун эсга олинган фикрларнинг тасдиғи ўлароқ, эътиборингизга ҳавола этаётганимиз Туркистон жадидларининг отаси Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратларининг «Самарқанд» газетасининг 1913 йил 12 июлдаги сонида чоп этилган «Эҳтиёжи миллат» мақолаларидир. Биз бундан 80 йил муқаддам ёзилган мақоланинг бугунги аҳамиятини инобатга олиб, уни ҳеч қандай шарҳсиз газетамизда тўлалигича қайта чоп этишга қарор қилдик.

ЭҲТИЁЖИ МИЛЛАТ

«Бошқа миллатларга қаралса кўрилурки, мунтазам мактаблари бор ва аввал мактабда диний илм устида дунёвий илм ва фанлар ҳам ўқилур. Чунки дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур.

50 сана муқаддамги замонда, биз туркистонлилар якка ва танҳо яшаб, бошқалар ила муомала ва муносабатимиз йўқ эди. Энди замон ўзгариб, бошқа миллатлар ила махлут бўлдук, шариъат ва ўз урфимиз устига қонун ва Оврупо одатига итоат қилмоққа мажбурмиз.

Аммо қонун ва Оврупо одатларини билмаганимиз учун боймиз бўлсун, қози ва миллий ҳукамомиз ва аҳолимиз бўлсун кўб ташвиш ва зарар кўрар. Замони собиқда фақат шариъат билмоқ кифоя этарди. Энди қонун ва закунни билмоқ ҳам лозимдур. Шариъат илми мадрасаларга, қонун илми Руссия дорилфунунларига ўқилур. Дорилфунунга кирмоқ учун аввало ўн сана гимназияга ўқумоқ керак. Сўнгра тўрт сана дорилфунун ўқуб андан ҳуқуқшунос, юрист таъбир жоиз бўлса, замона фиқиҳи бўлиб чиқар. Суд маҳкамаларинда, давлат доираларинда кириб, ҳар ҳуқуқшунос ўз муваккили ва ўз миллати ва ўз тойифаси ва ўз Ватани ва ўз давлатининг нафъига сўйлашур, мудофаа қилур.

Масалан, давлат думасинда биз Туркистон мусулмонларидан шундай ҳуқуқшунос вакил бўлса, бизни дин ва миллатимиз нафъига ҳаракат қилур. Аммо шундай одам бизда йўқ.

Давлат думаси нари турсин судга ва расмий маҳкамаларга кириб бизни мудофаа қиладургон кишимиз йўқ. Бошимиз оғриса дуқтурга борамиз, аммо дардимизни айтмоқга тил йўқ. Ўзимиздан дуқтур йўқ.

Иккимиз бир-биримиз ила низо қиламиз. Кетамиз закунчига, сўйламоқга тил йўқ. Орадаги одамлар яна бизни фириб берар, пул берармиз, югурармиз, яна ишлар барбод, охири йўқ.

Иморат қилмоқчи бўлсак плон-лойиҳаси лозимки инжинерга муҳтож бўлармиз. Аммо биз ҳануз «муҳандис» исмини билмаймиз.

Контур ва расмий дафтар тутиб, касса қуриб тижорат этмоқ лозим. Илм тижорат била турган бухгалтерлик ҳисоби юритадургон бойларимизга керак, ул ҳам ўзимиздан бир нафар топилмайдур.

Ҳаммолликдан бу ишлар яхши бўлса керак. Бир неча бойваччани биларманки энг қаттиқ хизматларга гирифтор. Сабаби надур – илмсизлик. Ҳолбуки аларни «тўйи»га атоси 5 минг сўм сарф этиб эди.

Туркистон меваси, донаси, тоши, туфроғи, эски нимарсалари Оврупо бозорига кетар. Муни Оврупо даллоллари келиб оз баҳога олиб кетар, меҳнатни биз қилурмиз фойдани улар кўрар. Ўз нимарсамизни Оврупо бозорига элтиб яхши баҳога сотатургон бизда бир одам йўқ. Азбаски Оврупо ила савдо қилатургон кишини аввал ўн сана замона илми ўқумоғи лозим.

Бизда шоҳи, адрас, беқасам, алоча... бофликлар бор. Агарда бир нафар техник ва муҳандисимиз бўлса бу дастгоҳларни ислоҳ этар, аҳоли обод бўлур. Валло яқин вақтда «дока» бофилларимиздек зоеъ бўлиб кетар. Чунки Оврупо янги асбоб ила мундин яхши қилиб чиқорур.

30 сана муқаддам Самарқандни Ёмини маҳалласинда «300» алочабоф ишчи бор эди. Аллон 30 нафар йўқ. 10 сана сўнгра тамоман маҳв бўлур.

Хулоса мактабимиз, дўконимиз, корхонамиз, мадрасамиз ва ҳар нимарсамизни замонча ислоҳи лозимдур. Валло ҳар нимарса қўлдан кетар, бизда муздурликдан бошқа ҳеч иш қолмас. Бир ускуна, дўкон ва саройни ишлатмоқга ҳам илми замоний ва замона шумлигини билмоқ лозим. Валло биздан дунё илмини яхши билатургонларга мулк ва асбобимиз ўтар ва ўтуб турубдур.

Қисқа қилайлик, бошқа миллатларни бойлари фақир ва етимлар учун мактаб ва дорилфунунлар соладурлар, фақир ва етимларни ўқумоғи учун вақф «истипендия»лар таъйин қилур. Бошқа миллат милиунерлари мактаби ила, истипендиясила, идора қилатургон газет ва мажалласила, бино қилган доруложизин (аёллар университети – Н.О), барпо қилган жамъият хайриясила фахр қиладур.

Бизникилар жуфт отила, аробасила, тўйи ила ва ... сила фахр этар. Ҳатто ўз ўғилларини ўқутмайдургон бойлар бордур.

Бу кетишни охири ямондур, ўқумоқ, ўқутмоқ керакдур. Болаларга оталардан илми диний ва илми замоний мерос қолсун.

Бутун Туркистондан ўн бой йилинда минг сўмдан берса, 25 бола учун Тошканда «диний ва замоний» бир «пансиун» лайли ва наҳори 5 мукаммал мактаб бино бўлуб, ҳар йил ҳукумат мактабинда 50 бола тайёрлайдур.

Ўн йилда булардин ақл маротаба 200 муҳандис, дуқтур, ҳуқуқшунос, муаллим, техник, замона тожири валлоҳ... чиқар ва бизни замон одамлари қаторида қўярлар ва давлат ишига кирарлар. Руслар ила бизни ҳасан имтизожларимизга хизмат қиладурлар.

Алон миллатимиз бойлардан шуни кўз тутар, халойиқни барбод этатургон тўйларни эмас. Оҳ, бу сўзларни тушуна тургон бойлар бизда етушганми?

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ

---

1. Махлут – аралаш
2. Ҳукамо – ҳукумдорлар
3. Муздур – мардикор, ёлланма ишчи
4. Лайл – кеча, тунги
5. Наҳори – кундузги
6. Ҳасан – яхши, чиройли
7. Имтизож – бирикиш
8. Алон – ҳозирги пайтда

Н. ОЧИЛОВ нашрга тайёрлади

Seminar

ЎЗИМИЗНИ АНГЛАЙМИЗМИ?

Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти ташаббуси билан уюштирилган семинар «Миллий урф-одат, маросим ва анъаналарнинг шахс маънавий камолотидаги ўрни» мавзусига бағишланди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири С. Ғуломов семинарни очар экан, уни уюштиришдан кўзланган мақсадга қисқача тўхталди.

Анжуманда олий ўқув юртларининг ректор муовинлари, ижтимоий-сиёсий ва гуманитар фанлар кафедралари мудирлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳозир бўлишган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат маслаҳатчиси Абдулазиз Мансуров «Миллий урф-одатларда ислом динининг таъсири» мавзуси юзасидан минбарга кўтарилар экан, диний одатлар миллий расм-русумлардан фарқланишини таъкидлади.

Тошкент Давлат маданият институти профессори Малик Муродов миллий урф-одатларнинг таг замирида катта қадриятлар ётганини муфассал изоҳлади.

Семинарда сўзга чиққан Республика «Маҳалла» жамғармаси раиси Шуҳрат Жалилов, Халқаро Амир Темур жамғармаси бошқаруви раисининг муовини Убайдулла Уватов ва бошқа маърузачилар ҳозирги даврда миллий урф-одат ва маросимлар маънавияти асосларини олий мактабда ўқитиш юзасидан тавсиялар беришди.

Анъаналар — ижобий ҳодиса. Ёшлар жамиятимизнинг каттагина қатламини ҳосил қилади. Демак, кекса авлоднинг «қўли»дан уларга узатиладиган урф-одат ва миллий анъаналар замонага мос, меъёрида ва ихчам маъно касб этиши керак. Семинар қатнашчиларининг хулосалари якдил: мажлислар ўз йўлига, маърузалар ўз йўлига. Барчамиздан амалий иш кутиляпти. Ана шуни унутмаслик лозим.

Ҳ. ТЎЙМАНОВА

ДАСТУР ВА ДАРСЛИКЛАР МУКАММАЛЛАШТИРИЛАДИ

(Боши 1-бетда)

Толипов ва Карим Давлатовлар кесиб, маросимни очиқ деб эълон қилдилар. Маросим қатнашчилари ва мактаб ўқувчилари Ўзбекистон Давлат мадҳиясини ифтихор билан ижро этдилар.

Маросим қатнашчилари мактаб залларини, меҳнат таълими ўқув устахоналарини айланиб чиқишгандан сўнг йиғилиш бошланди. Йиғилишни мактаб директори М. Раҳимжонова очиб, сўзни «Меҳнат таълими» бўйича ўқувсинов дастурлари муаллифларидан бири Карим Давлатовга берди. Маърузачи ўз сўзида «Меҳнат таълими» ўқув фани бўйича дастурни тузиш жараёнида дуч келинган муаммолар, қийинчиликлар, бу дастур лойиҳа эканлиги, уни тажриба-синов жараёнида тузатиш, тўлдириш, мукаммаллаштириш ва ихчамлаштириш зарурлиги тўғрисида тўхталди.

Йиғилишда Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ «Меҳнат, иқтисодий таълим ва касбга йўналтириш педагогикаси» бўлими бошлиғи, педагогика фанлари номзоди, «Меҳнат таълими» фани бўйича эксперт Ўткир Толипов, Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти «Меҳнат таълими» бўлими услубчиси И. Загумёный, шу институт «Меҳнат таълими» кабинети мудири Ш. Абдураҳмонова, М. Улуғбек тумани халқ таълими бўлими мудири муовини М. Маннопова, Т. Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ докторанти Д. Раззоқов, 241-мактаб ўқитувчилари — Ю. Гершович, Г. Маҳкамова, М. Файзиевалар сўзга чиқишиб, тажриба-синов ишларини олиб боришда нималарга эътибор бериш кераклиги тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Биз маросим сўнгида шу мактаб меҳнат таълими ўқитувчиси Ю. Гершович билан суҳбатлашдик:

— Юрий Борисович, нима сабабдан айнан сизларнинг мактабингизни меҳнат таълими бўйича тажриба-синов майдончаси этиб танлашди?

— Менимча, мактабимизда меҳнат таълими дарсларида синов дастури бўйича машғулотлар олиб боришга тўлиқ имкониятлар борлиги ва маҳсулот ишлаб чиқаришимиз учун барча шароитларнинг етарлилиги ва ишлаб чиқарган маҳсулотларимизни дўконлар орқали сотилиб, моддий жиҳатдан ўз-ўзини таъминлашимизда, деб биламан. Бизда ёғочга ишлов бериш станоклари, металга ишлов бериш учун токарлик ва фрезерлик станоклари мавжуд, мутахассислар етарли. Фақатгина ёғоч ва металл хом-ашёси етишмай турибди. Эндиликда бу ишлар ҳам ўнгланади, деб умид қилаяпмиз.

Дарҳақиқат, мактаб ўқув устахоналарини, қиз болалар меҳнати хоналарини кўздан кечирар эканмиз, меҳнат ва касб-ҳунар таълими узвийлигига амал қилинган ҳолда ўқувчиларда келгусида касб-ҳунар коллежларида илм олишлари учун шу йўналиш бўйича билим, кўникма ва дастлабки малакалар шакллаланаётганлигини гувоҳи бўлдик. Муҳими, дарс жараёнида ишлаб чиқилган маҳсулотлар сотилиб, иқтисодий фойда олинаётганлиги қувонарли ҳолдир.

Маросимдан қайтар эканмиз, мактаб жамоаси ва меҳнат таълими ўқитувчиларидаги янгиликка интилиш ва ташаббусни кўриб, тажриба-синов ишлари ҳам кўнгилдагидек илмий-амалий мунозараларга бой, келгусида узоқ вақтлар қўлланиладиган ўқув дастурига ва дарслигига пойдевор қўйилишига ишонч ҳосил қилдик.

МУХБИРИМИЗ

YO'LBARS VA YO'LOVCHI

(ertak)

Tog'da bir kichik qishloq bo'lib, u yerda bir yo'lbars bor ekan. U har yili yo'lovchilarga hamla qilishni o'ziga odat qilib olgan ekan. Qishloq oqsoqollari maslahatlashib, oxiri yo'lbarsni tuzoqqa tushirishibdi.

Bir kuni yo'ldan o'tib borayotgan yo'lovchining qulog'iga g'alati ovoz eshitilibdi. U kelib qarasa, bir chuqurlik tagida bahaybat yo'lbars chiqa olmay o'kirib yotgan emish. Yo'lbars chuqur tepasida paydo bo'lgan odamni ko'rib qolib:

–Hoy, yo'livchi, menga yordam ber! Bu yaxshiligingni aslo unutmayman, aksincha barcha do'stlarimga so'zlab beraman! Ularning hammasi senga xizmat qiladi! — deb yolvoribdi. Yo'lovchining yo'lbarsga rahmi kelibdi. U uzun daraxtni arralab chuqurga tushiribdi. Yo'lbars daraxtga tirmashib chuqurlik ichidan chiqib olibdi. Biroq u o'z xaloskoriga minnatdorchilik bildirish o'rniga yaxshilab kerishibdi-da, uni emoqchi bo'libdi.

— Men emasmi seni o'limdan qutqargan, ko'rnamak? Yaxshilikni shuncha tez unutdingmi? Yana buning ustiga meni emoqchisan? — debdi jahli chiqib yo'lovchi.

— Men hech narsani unutganimcha yo'q, — deb javob qilibdi yo'lbars, — ammo men chuqurga odam tufayli tushdim, shunday emasmi? U bizning doimiy dushmanimiz.

— Nima ham derdim, balki sen haqdirsan, — debdi yo'lovchi. – Kel yaxshisi, biror kimsadan so'raylik, u bizning mojarolarimizni bir yoqlik qilib bera qolsin.

Ular ho'kizga murojaat etishibdi.

— Shubhasiz, odam nohaq – debdi ho'kiz. –U bizlarni og'ir ishga qo'shadi, arava torttiradi, keyin so'yib eydi. Yo'lbars, darhol uni eb qo'y!

Bu javob yo'lbarsga yoqib tushibdi, yo'lovchini emoqchi bo'lib unga yaqinlashibdi.

— To'xta, sabr qil, kel, qarag'aydan so'rab ko'raylik – debdi yo'lovchi.

— Dunyoda odamzoddan badtari yo'q,— deb javob beribdi qarag'ay. – U bizlarni arralaydi, chopadi, unga zinhor rahm-shafqat qilishni istamayman,— debdi qarag'ay mag'rurona boshini ko'kka cho'zib.

— Kimdan so'ramaylik, hammasi bir xil javob qilayapti. Seni eyishdan bo'lak chora qolmadi. O'zingdan ko'r, hoy odamzot! – Shunday deya yo'lbars yo'lovchiga hamla qilmoqchi bo'libdi. Shu payt uning oldidan quyon chiqib qolibdi. Yo'lbars bilan odam bo'lgan voqeani quyonga so'zlab berishibdi, quyon o'ylab bunday debdi;

— Hay mayli sizlarning bahsingizni odilona echib berishga harakat qilaman. Lekin men voqeani qanday yuz berganini bir boshdan ko'rishim kerak.

Yo'lbars yo'loychiga tantanavor qarab qo'yibdi: Quyon ham uning tarafini olishiga sira shubhalanmabdi.

— Yaxshi,—debdi yolbars va chuqurga qayta tushibdi.

Shunda quyon yo'lovchiga qarab:

— Sen yo'lbarsni qutqarganing uchun baloga qolgan eding. Endi ko'ngling xotirjam bo'lsin,— debdi, keyin chuqurlik tepasiga kelib, engashib yo'lbarsga qarab shunday debdi:

— Sen esa chuqurda qolganing yaxshi. O'shanda kim haq, kim nohaqligini surishtirishga hojat qolmaydi. Hammasi o'z-o'zidan ma'lum bo'ladi qoladi.

Yo'lovchi bilan quyon yo'llarida davom etishibdi. Yaxshilikning qadriga etmagan yo'lbars esa chuqurlikdan chiqa olmay, o'kira-o'kira o'sha joyda jon beribdi.

Bolalar dunyosi



Kitobim

Ey, jonajon kitobim
Qalbim nuri—oppog'im.
Har sahifang bir ummon,
Ilmu fazilatga kon.
Olam-olam sehring bor,
Senga cheksiz mehrim bor.
Ko'zim o'ngida go'yo
Ochasan yangi dunyo.
Nega seni sevmayin,
Qalin do'stim demayin.

* * *

Maroqli tush

— Tushimda-chi, men bugun
Aytaymi, nima ko'rdim?
Oq, qizil, charos uzum
Rosa to'ydim men o'zim.
Maqtanib bo'lgach Qodir,
Gap qotdi asta Nodir:
— Tushingizda uzumni,
Aka ebsiz o'zingiz,
Menga aytmay egani,
Qanday bo'ldi ko'nglingiz!

Muborak MIRZARAHIMOVA

Sichqonning yaxshisi

Qitirlatsa gar sichqon,
Qand solingan qutini.
Oyim ochib buyurar:
— Qani, Vali, tut uni!
Sal—pal quvlagan bo'lib,
Cho'ntakni to'ldiraman.
Bunday yaxshi sichqonni,
Nega men o'ldiraman?!

* * *

Dadam topib keladi

Akam molu buzóqni,
Boqqani ketar olib,
Bir cho'ntakka nonu qand,
Biriga toshcha solib.
Bir zumdayoq mol—buzoq,
O'zi qaytib keladi.
Akamni qosh qoraygach,
Dadam topib keladi.

Hazil — mutoyiba

Boladan so'radilar:
— Sen kattamisan, ukangmi?
— Men kattaroqman, ammo bir yildan keyin u menga etib oladi, —deb javob qildi u.

***

Tulki bolasi onasiga dedi:
— It bilan yuzma-yuz kelganda undan qutilib ketish yo'lini o'rgat.
— Yo'li ko'p-ku, lekin eng yaxshisi uydan chiqmaslik,—dedi tulki bolasiga.

***

Onasi bolasidan so'radi:
— Nega yarim tunda chiroqni yoqib olding?
— Ajoyib tush ko'rayotgan edim, ammo ba'zi narsalarni aniq ko'rolmadim. Shu bois, chiroqni yoqib uxlayotuvdim.

* * *

Donolar bilim haqida

1) Oz-ozdan o'rganib dono bo'lur,
Qatra—qatra yig'ilib daryo bo'lur.
(A.Navoiy)
2) Istamay mutoala qilayotgan talaba – qanotsiz qush.
(Sa'diy)
3) Bilimga eltuvchi yagona yo'l bu – harakatdir.
(B. Shou)
4) Bilimni singdirib olmoq uchun uni ishtaha bilan simirmoq lozim.
(A. Frans)

Qiziqarli matematika

Alohida qog'ozlarga yozilgan raqamlar quyidagi ko'rinishda turibdi. Faqat bitta qog'ozga qo'l tekkizish bilan ularni shunday joylashtiringki, toq va juft sonlar navbat bilan kelsin.

* * *

Rasmdagi teng yonli tropetsiyani shunday bir to'g'ri chiziq bo'yicha qirqingki, hosil bo'lgan ikki bo'lakni birlashtirish natijasida kvadratni hosil qilish mumkin bo'lsin.

* * *

Quyidagi so'zlarning bittadan harfini o'zgartirib, matematika bilan bog'liq atamalarni hosil qiling:

Vatan	Bosh
Tutun	Shoira
Minut	Nor
Non	Kenglik
Tog'	Jazo
Kun	Tin

(Anvar Hayitov)

* * *

1.90 ni to'rt son – 1, 2, 3, 5 ga ketma-ket bo'lgach, natijani 30 ga ko'paytirsa, necha bo'ladi?

2.Tug'ilganidan buyon 1440 minut o'tgan bolaning yoshi nechada bo'ladi?

3. 9 gacha bo'lgan raqamlardan shunday sonlar hosil qilingki, ularni 9 ga bo'lganda 1, 2, 3, 4,5, 6, 7, 8, 9 chiqsin.

(Boborahim Omonov)

Topishmoqlar

1. Og'zi yo'g'u, tishi bor,
Duradgorda ishi bor
(Arra)

2. Kichkina sandiqcha
Ichi to'la mixcha
(Guguri)

3. Tepdim, tepdim,
Terakka chiqdim.
(Nayvon)

4. Bir uyda ikki o'rtoq,
Biri sariq, biri oq.
(Tuxum)

5. Qo'shaloq tovoq,
Ichi to'la yog'.
(Yong'oq)

Ahmadali YUSUPOV

Quvnoq startlar

«ҲУМО»ГА ОЛҚИШЛАР

«Қувноқ стартлар» республика мусобақасининг ҳар бир учрашуви қизғин курашлар остида ўтади. Навбатдаги саралаш мусобақасида Чирчиқ шаҳридаги 20-гимназиянинг «Лочин» ва Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги 48-мактабнинг «Ҳумо» командаси ўртасидаги беллашув чинакам чаққонлик, абжирлик кўригига айланди.

Дастурнинг биринчи «Эпчил, чаққон бўлайлик» деган бу беллашувида ҳар томонлама аниқ ва чаққон ҳаракат қилган «Ҳумо» командаси аъзолари 10 балл соҳиби бўлишди. Фарғоналик ўқувчилар футбол тўпини олиб юриш ва дарвозага аниқ йўллашда кўп ва хўп машқ қилганликларини намойиш этишди. «Мерганлар» деб аталган бу дастур бўйича ҳам улар 10 балл олишди.

«Дўстлар учрашуви», «Фахрийларимиз», «Чигиртка эстафетаси», «Қизлар баҳси», дастурларини бажаришда ҳам «Ҳумо» командаси аъзолари абжирликларини кўрсата олишди.

«Лочин» командаси аъзолари тўрт босқичли сардорлар баҳсида 15 балл олишди холос.

Жуда катта фарқ — 90 : 15 ҳисобида ғалаба қозонган «Ҳумо» командаси XVI республика «Қувноқ стартлар» телевизион мусобақасининг кейинги давра ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Саралаш мусобақасининг ҳар иккала командасига Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Давлат спорт қўмитасининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Спортни оммалаштириш, соғлом авлодни камол топтиришда танилган мактаблар жамоаси иш тажрибаси кўпчиликни қизиқтиради. Шу мақсадда вилоят чемпионлари сифатида қатнашаётганлар иши ҳақида қисқача ҳикоя қилиб бораётирмиз.

Ўзбекистон туманидаги 48-мактабда бошланғич синф ўқувчилари ўртасида «Соғломжон-полвонжон» мусобақалари, V - IX синфлар ўртасида «Қувноқ стартлар» беллашувлари мунтазам ўтказилиб турилади. Ўтган ўқув йили Ғафур Ғулом номидаги очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳудудидаги мактаблар ўртасида ўтказилган «Қувноқ стартлар» мусобақасида «Ҳумо» туман, вилоят биринчилигида ғолиб бўлишиб вилоят чемпиони бўлди. Уларга Ўзбекистон тумани йўл қурилиши бўлими, «Қундуз» фермер хўжалиги, Амир Темур фермер хўжалиги мадад берди.

Бу билан Тошкент вилояти чемпиони Чирчиқдаги 20-гимназиянинг «Лочин» командасининг спорт соҳасидаги ютуқларига соя солмоқчи эмасмиз. Лекин уларнинг қишлоқ мактаби — «Ҳумо» командаси ўйинига қиёслайдиган бўлсак, учрашувга вилоят чемпионлари даражасида ҳозирлик кўрмаганлари яққол сезилиб турибди. Бу финал мусобқалари саралаш учрашувларига келадиган барча командалар учун ҳам сабоқдир.

Ғ. МАННОПОВ

Ogahiy tavalludining 190 yilligi oldidan

САНЪАТКОР ШОИР

Муҳаммад Ризо Мироб Эрниёзбек ўғли Огаҳий 1809 йилнинг 17 декабрида Хоразмнинг Хива қалъаси яқинидаги Қиёт қишлоғида мироб оиласида дунёга келган. У таваллуд топган оилавий муҳит санъат, адабиёт ва илм аҳлларидан бўлиб, бу муҳит унинг ёшлик даври ҳаётига, тарбиясига, завқига ва истиқболига таъсир этмай қолмаган эди.

Огаҳийнинг отаси Эрниёзбек мироблик қилиб, бир парча ерида деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланиб, умр кечирган бўлса ҳам, унинг амакиваччаси Шермуҳаммад Мунис ва биродарлари Рожий /Муҳаммад Қиличбек/, Нозим /Муҳаммад Яъқуббек/ ўз замонасининг атоқли ва қобилиятли шоиру фузалоларидан бўлганлар.

Огаҳий ёшликдан яхши тарбия олади, бошланғич мактаб, кейин Хивадаги мадрасаларда ўқиб, замонасида мумкин бўлган диний ва дунёвий илмлар билан танишади. Табиатан зийрак ва истеъдодли бўлган Огаҳий мадрасада ўқиган чоғларини «Таъвизул-ошиқин» («Ошиқлар тумори») девонига ёзган дебочасида қуйидагича изоҳлайди:

«Қадам айлабон илм йўлида бош,
Ҳунар касбида айлар эрдим талош,
Ва тунлар манга хобу, роҳат эди,
Ва кунлар замони фароғат эди».

Огаҳий йигирма ёшида истеъдодли шоир сифатида танилади. Хива хони Оллоқулихон уни мироблик вазифасига тайинлайди. Лекин мироблик вазифасида хизмат қилган Огаҳийнинг асосий мақсади амалдорлик билан эмас, балки юксак савияли маданий киши бўлиб жамият учун хизмат қилиш, олимлик ва шоирлик билан шуҳрат қозониш бўлган.

Огаҳийнинг «Таъвизул-ошиқин» девони XIX асрда гуллаб-яшнаган Хоразм адабий-илмий муҳитининг гултожидир. Огаҳийнинг бу девонига кирган шеърларида биз Алишер Навоий, Фузулий, Умар Хайём, Паҳлавон Маҳмуд, Шермуҳаммад Мунис анъаналарининг аниқ таъсирини ва улуғ мутафаккирлар меросининг ғоя ва қарашлари шаклан ва мазмунан янги шароитда бойитилганини кўрамиз.

Огаҳий ижодининг асосини ташкил этувчи чуқур фалсафийлик ва инсонпарварлик, одамийлик, маърифатпарварлик ва юксак одоб-аҳлоқ ташвиқи, ҳар жиҳатдан камолотга эришган инсон ва унинг жамиятда тутган ўрни ўзига хос фалсафий-аҳлоқий тарзда талқин этилади:

Бу гулшан сайрини этсанг, босма густоҳона туфроқни,
Ки, ҳар гом остида бир пайкари озода мадфундур.

Огаҳий асарларини кўздан кечирар эканмиз, у мусиқанинг тарбиявий аҳамиятини эътироф қилиб, уни бола дунёқарашининг шаклланишига, ижобий фазилатларнинг ривожланишига ёрдам беришини таъкидлайди. Бу тарбияшунослар эътиборидан четда қолмоқда. Ваҳоланки, Огаҳий дутор, танбур, чанг, ғижжакни яхшигина чалувчи созанда бўлган. Шоир ҳофизу созандалар билан яқиндан алоқада бўлган, уларнинг қўйларига ғазаллар ёзган ва ўзи ҳам анча қўйлар яратганлигининг гувоҳи буламиз.

Огаҳий мусиқа назарияси бўйича махсус рисола ёзмаган бўлса-да, ҳар қандай ҳофиз ва мусиқа чолғувчининг асосий вазифаси тингловчиларга эстетик завқ бағишламоқ, уларнинг қунглини олмоқ, куй ва қўшиқ билан дарддан халос қилмоқ деб тушунди.

Демак, Огаҳийнинг уқтиришича, санъаткорнинг асосий вазифаси кишиларга, айниқса, ёш авлодга катта ҳис-ҳаяжонли — эстетик куч бахш этишдан иборатдир.

Мусиқага оид «зеру бам», яъни ингичка ва йўғон товуш тушунчасини ишлатиш Огаҳийнинг мусиқа назариясидан хабардор эканлигини кўрсатади. Мураббий шоир ва санъатшунос олимнинг фикрича, ҳофизнинг сўзи ва куйи «фасоҳат ва нафосат» билан кишилар, хусусан, ёшларнинг ақл-идрокини равшан қилмоғи керак:

Ким санъати беназир тутгай,
Ақл аҳлиға дилпазир тутгай...
Агар қилса ҳар ким тамошосини,
Йўқ этгуси жаннат таманносини.

Шундай қилиб, Огаҳийнинг санъат ёш авлоднинг камолотида эстетик тарбия воситаси эканлиги тўғрисидаги қимматли фикрлари санъат тарихи ва тарбияшунослик, рухшунослик фанлари билан шуғулланувчилар учун «очилмаган қўриқ»дир. Бу эса ҳали Огаҳийни, унинг бадиий тафаккурини тадқиқ қилмоғимиз лозимлигини англатади.

Солижон ҲАСАНОВ,
Тошкент Давлат Юридик институти доценти.

Iye, qor yog'ibdimi?

Xullas...

20 РУПИЯГА 10 ЙИЛ

Деҳлидаги туман судининг котиби Рохтас Сингх жарима тўлашга келган фуқарога шундай деди: «Маълумотнома учун эртага келасан, қўлинг қуруқ бўлмасин!»

Ашфак Хак ҳам анойи эмас экан. У бу ҳақда коррупция ходимларини огоҳ этиб, эртасига киши билмас қиёфада котибнинг хонасига кирди ва 20 рупия пулни столига ташлади. Пулни кўриб, кўзлари чақнаб кетган Рохтас Сингх шартта «номер»ланган пулни чўнтагига тиқди. Маълумотномани узатаётган вақтда эса... коррупция ходимлари бостириб кириб қолишди.

Бундай кезда ўзини оқлаш, талмовсираш иш бермаслити аниқ. Шурлик котибнинг қўллари кишанланиб, олиб кетилди.

Кутилмаган ҳодиса деб ана буни айтадилар! Суд ходими бўла туриб, бор-йўғи 20 рупия учун авахтага «шайланиб» ўтирса-я.

МАЙРАМ ХОНИМ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

Президент рафиқаси бўлиш осон эмаслигини Қирғизистон «лидер»и Асқар Акаевнинг хотини Майрам хоним мисолида англаш қийин эмас. У «Труд» газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларида шундай деган: «Шарқ аёлларида сабр-тоқат устун туради. Иккинчидан, мен меҳр ва саховатни беҳад қадрлайман».

Дарҳақиқат, Майрам Дуйшеновнанинг ташаббуси билан ташкил этилган «Мээрим» номли оналик ва болаликни қўллаб-қувватлаш фонди ҳам ана шу ғояларни илгари суради. Мазкур фонд Иссиқ-кўлда бемор болалар учун реабилитация марказини ташкил этди. Етим қолган ўғил-қизлар учун агромактаб, уларнинг саводини чиқариш, замонавий технология билан таъминлаш...

Президент рафиқаси Ғарбдаги каби қирғизистонлик тадбиркорларни ҳам хайр-саховат улашишга чақирмоқда.

ЧЕРКОВДА АКСА УРМАНГ!

Дунёда мамлакатлар кўп. Одамлар ундан-да бисёр. Одатлар ҳам шунга яраша.

Ўз одатларимизни-ку биламиз. Қайсидир юртларда, дейлик, Омахе деган жойда черковда аксириб юборган киши жиноятчи ҳисобланиб, шу заҳотиёқ полициячилар томонидан қўлга олинади.

Жефферсон Ситида буқага миниб чопиш таъқиқланган. Вантез шаҳрида (АҚШ) филга пиво бериш мумкин эмас. Дэнисон шаҳрида (Айова штати) қамоқда ўтирганларни панжара оралиғидан безовта қилган кишининг ҳолига вой! Ўзи ҳам панжара ортига ташланади. Калифорния штатидаги бассейнда велосипедда юрган киши жарима тўлашга мажбур.

Ажаб дунё экан!...

ana shunaqa gaplar...

Til bilgan — el bilar

КЎНГИЛ ТУТАШГАНДА

Гапнинг лўндасидан бошласам, республика таълим марказида икки рус аёли билан танишиб қолдим. Улар «Маънавият ва қўшимча таълим» бўлимига «Ассолому алайкум» деб кириб келишди. Саломлари соф ўзбекча, лаҳжадан асар ҳам йўқ.

Улар ўз йўналишлари бўйича қандайдир методик қўлланмаларни сурашди. Кузатиб турибман ўзбек тилида шунчалар равон гаплашишяпти-ки. Бўлимдагиларнинг ҳам ҳайрати ўзига урган: «худди ўзбекнинг ўзи-я!»

Светлана Николаевна Новикова деб ўзини таништирган қорувли аёл Юқори Чирчиқ туманидаги 34-мактабда химия-биологиядан дарс берар экан. Айни пайтда маънавият ва маърифат масалалари бўйича директор муовини бўлиб ишлайдиган бу аёлнинг ўзбекчани «сув қилиб ичиши»га нима сабаб бўлди экан.

—Ўзбеклар яшайдиган маҳаллада вояга етдим. 57-ўрта мактабнинг бошланғич синфларида ўзбекча ўқидим. Онам Анна Бубнова туман халқ таълими бўлимида мактабгача тарбия бўлими бошлиғи вазифасида кўп йиллар ишлаган. Ҳозир нафақада. Мени ўзбек тилида ўқитишга онам ташаббускор бўлган. Унинг ўзи ҳам ўзбекчада жуда равон гаплаша олади. Кейинчалик ўз она тилимизни ўрганиш учун рус гуруҳларида ўқишимни давом эттирганман.

Суҳбатдошим қандайдир фахр-ифтихор билан гап орасида яна қистириб ўтди:

—Собиқ «Политотдел» колхозининг Паркент маҳалласида турли миллат вакиллари яшашади. Улар бир-бирларини жуда ҳурмат қилишади. Ишонасизми, мени узатаётганда соф ўзбекча урф-одатга кўра сарполар қилишган. Бундан қанчалик қувонганимни билсангиз эди...

Унинг тўлқинланиб айтган фикрларини ҳамроҳи Мира Закирова қўллаб-қувватлади.

Тил халқ юрагига йўл солувчи қўприк. Кўнгил туташлиги — ягона вужуд демак. Менинг янги танишларим ўзбек билан ҳамвужуд бўлиб кетгандек, назаримда.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА

Sport

ОММАВИЙ ЮТУҚ

Пойтахтимизнинг Юнусобод теннис мажмуида ҳаваскор теннисчилар ўртасида Ўзбекистон очиқ чемпионати бўлиб ўтди. Турнир иштирокчилари бу спорт турининг юртимизда нақадар оммавийлашиб бораётганлигини очиқ-ойдин намойиш этишди.

МУТАХАССИСЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИШДИ

Чирчиқда дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасида Учқун Муродов хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро турнир ёш спортчилар учун ўзига хос кўрик вазифасини ўтади. Мутахассислар, айниқса, Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилишаётган полвонлар маҳоратларини алоҳида эътироф этдилар.

КИМГА ТЎЙ, КИМГА...

Футбол бўйича Европа чемпионлари лигаси мусобақаларининг 5-тур учрашувлари анча-мунча шов-шувга сабаб бўлди. Москванинг «Спартак» жамоаси ўз майдонида унчалик кучли саналмаган Австриянинг «Штурм» жамоасини енголмаган (0:0) бўлса, Киев «Динамо»чилари асосий рақиблари бўлган Грециянинг «Панатинаикос» жамоасини мағлуб этди: 2:1.

ФИНАЛДА

Японияда бўлиб ўтаётган волейбол бўйича жаҳон чемпионати якунланди. Финалда Югославия терма жамоасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратган Италия терма жамоаси сайёрамизнинг энг кучли жамоаси эканлигини кўрсатди.

R - 9 СОАТЛАРИ

Футбол эркатойи Роналдо шарафига Швейцарияда R-9 деб номланган соатлар ишлаб чиқарила бошланибди. Нархи ҳам чакки эмас: платинадан ишланган R-9 соати 35 минг доллар, тилладан ишлангани 21 минг доллар, ҳатто камбағаллар учун мўлжалланиб пўлатдан ишлангани ҳам 9,5 минг доллар атрофида баҳоланмоқда экан.

maydonchasi

Taqriz

ИБРАТЛИ ҲИКМАТЛАР ТАЪРИФИ

Яқинда «Маънавият» нашриёти томонидан таниқли элшунос олим, тарих фанлари номзоди Билол Аминовнинг «Ҳикмат - ибрат» тавсиянома-рисоласи чоп этилди. Тавсиянома Фан ва техника давлат комитети Иннавация ишлари дастурлари доирасида тайёрланган бўлиб, республикамиздаги барча мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юртлари, ташкилот, муассаса ва корхоналарда қўлланилиши мумкин.

Элшунос олим Билол Аминов давримизнинг энг долзарб муаммоларидан бири - «Ҳикматларни ёшлар томонидан ўзлаштиришнинг тезкор усуллари» ва уларнинг ечими устида тадқиқот олиб борган. Қўлланмада ўзбек халқининг миллий ва маънавий қадриятлари, мамлакатимизнинг моддий ва маънавий бойликлари, руҳий олами - мустақил Ватанимиз олдида турган долзарб масалалари кўрсатиб берилган.

Асрлар давомида аждодларимиздан авлодларга ўтиб келаётган умуминсоний ва миллий урф-одатлар, удумларимизнинг тоталитар тузум даврида оғир ҳолатга тушиб қолган, бу ҳолат авлодларимизнинг ахлоқий-маънавий тарбиясига салбий таъсир кўрсатган эди. Унга барҳам бериш ҳақида ҳукуматимиз раҳбарлари, олимларимиз куйиниб гапирмоқдалар. Президентимиз Ислом Каримов: «Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти - маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият - маърифатли инсоннинг икки қанотидир. Бу Тарих ва Абадият олдида турган эзгу вазифалардир», деб таъкидлаганида минг бор ҳақдир.

Қўлланмада Билол Аминов истиқлол туфайли қадриятларимиз тикланаётган бир даврда миллий ва маънавий меросимизни бойитиш, оммалаштириш, иқтисодиётни маънавият билан уйғун ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни тарихийлик нуқтаи назардан талқин этади. Шунингдек, ҳикматли дурдоналарнинг тарбиявий аҳамияти ва улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш хусусида муҳим фикрларни баён қилади. Зеро, ҳикматлар инсон ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олади. Ҳақиқий инсон ҳаётга келиб, ўзини англагандан токи сўнгги нафасигача пурмаъно ҳикматлар оламида яшайди. Мулоқот ва суҳбатларда доно сўзлардан маънавий куч-қудрат олади.

Ҳозирги замон кишисининг, фан-техника тараққиёти илгарилаб кетганига қарамай, руҳияти, маънавияти аксинча орқада қолаётгани билиниб қолаяпти. «Эндиги вазифа, - деб ёзади элшунос олим рисолада, - дунёвий билимларга, юксак маънавиятга эга бўлган меросий маънавий қадриятларимизни бугунги кун авлоди мулкига айлантириш, аждодларимизнинг анъана ва тажрибаларини ўрганиш бўлиб, бу ниҳоятда муҳимдир».

Муаллиф қўлланмада «Тилло қушчалар парвози», «Таклифнинг амалий жорийси ҳақида» сўз юритиб, маънавий қадриятларимизнинг нурли нуқталарига эътибор қаратади, аждодларимизнинг доно ўгитларидан тезкор, унумли фойдаланишга даъват этади. Айни пайтда муассаса, мактаб ва олийгоҳларда; корхоналарда, биринчи навбатда, «Маърифат бурчаги»ни жиҳозлаш зарурлиги таъкидланади. Маънавий озуқалар эса табиий равишдаги эҳтиёжга айланиб кетиши, ёшлар эътиборини тортиш учун «чақирувчи хабар сигналлари»дан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги уқтирилади.

Халқ мақоллари, топишмоқлари ва ҳикматли сўзларини ёдлашни, эслаб қолишни бошланғич синф болалари жуда яхши кўришади. Болалардаги бу интилишдан унумли фойдаланиш учун муаллиф қўлланмада ўйин машқини таклиф этади. Бу усулнинг афзал томонлари кўп ва айниқса, унга ижодий ёндашилганда турли-туман янгиликларни юзага чиқариш мумкин. Зеро, мажмуанинг бош мақсади ҳам ҳикматларни ёшлар томонидан мунтазам равишда тезкорлик билан ўзлаштиришга қаратилганидир.

Хуллас, мазкур «Ҳикмат - ибрат» тавсиянномаси ёшлар онгида юксак маънавий фазилатларини камол топтириш, уларни бой маданий ва маънавий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда қимматли манбалардан ҳисобланади.

Фазлиддин ҒИЁСОВ,
Тошкент вилояти педагогик ходимлари малакасини ошириш институтнинг, Ижтимоий фанлар кафедраси мудири,
Турсунбой СУЛТОНОВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети доценти, фалсафа фанлари номзоди

Donolar o'giti

ИЛМДАН ЯХШИРОҚ ХАЗИНА БЎЛМАС

Илмдан яхшироқ хазина бўлмас,
Қўлингдан келганча тера олсанг, бас.
Абу Абдулло Рудакий

Билим бойлигига тўймайди одам,
Камаймас бошқага қанча берса ҳам.
Асади Тусий

Юмшоқ табиат бўлса жамоли,
Илму ҳикматдир одам камоли.
Носир Хисрав

Ёшликда биз шогирд, ўзгалар устод,
Сўнгра устоз бўлиб, дилни этдик шод.
Умар Хайём

Кимгаки бўлмаса ақлу билим ёр,
Қўшма уни одам сонига зинҳор.
Абдумажид Саноий

Илм агар оз бўлса ҳам ҳеч этма хор,
Оз илмнинг ҳам буюк қиммати бор.
Фаридиддин Аттор

Ҳар ким устоддан қочган замонда,
Давлат муроддин қочар жаҳонда.
Жалолиддин Румий

Баний одам илмдан топмиш камол,
Бекор бунда мансабу бойлик ва мол.
Саъдий Шерозий

Ишга яраб қолса илминг бир муддат,
Яна оширмоққа айлагил шиддат.
Хусрав Деҳлавий

Тўпловчи: А. АЛИЕВ.

Ўтмиш билан учрашув

Яқиндагина Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат лицейининг бир гуруҳ ўқувчилари Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрида саёҳатда бўлиб қайтдилар. У ерда улар «Арслонбоб» ва «Аҳмад Яссавий» мақбараларини зиёрат қилдилар. Амир Темур томонидан «Туркистон халқларининг шайхулмашойихи» шарафига сазовор бўлган Аҳмад Яссавий мақбарасининг янада чиройли ва бежирим қурилиши, қирқ қулоқли қозон, мақбаранинг баланд пештоқидаги ҳадислар болаларни янада руҳлантирди.

Хуллас, ўтмиш билан, халқнинг кечаги куни билан бўлган учрашув болаларда катта таассурот қолдирди. Яссавий бобосидек бўлишни орзу қилган бу болалар Ўзбекистоннинг байроғини янада кўкларга кўтарса ажабмас!

Жамшид ҒУЛОМ

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Абдирасул НАРМАНОВ саҳифалади. Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0609. Тиражи 24.830. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. «Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-20.00.

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Ташкилий — педагогик ва умумий ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари О. Ҳолматовга онаси

ХОДИЯБИ она

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти жамоаси Олий ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказ бошқарма бошлиғи Ф. Кучукбоевга отаси

АБДУМАЖИД ота

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.